

*Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят  
аҳборот-кутубхона маркази  
Илмий услубият бўлими*

# *Марварид Фарғонам менинг*

*Фарғона вилояти ташкил этилган кун  
муносабати билан услубий тавсиянома*

**Фарғона 2018**

*Фарғона деганда, авваламбор,  
“Олтин водий” деб ном олган, ҳақиқатан ҳам,  
Ўзбекистонимизнинг гавҳари бўлган гўзал  
диёр кўз ўнгимизда намоён бўлади.*

И.Каримов.

Фусункор табиати, бетакрор гўзаллиги билан барчани мафтун этувчи Фарғона ўзининг узоқ ўтмишига эга. Бағри сир-синоатга бой бу масканнинг “Фарғона” деб номланиши сабаблари тарихий манбаларда турлича баён этилади.

“Фарғона” сўзи илк ўрта асрларда суғд ёзуви билан “Парғана”, “Прағана” шаклида ёзилганлиги маълум. Бу сўз ҳинд-санскрит тилида “кичик вилоят”, “атрофи берк тоғли жой” деган маъноларни билдиради. Эрамиздан аввалги II асрда “Довон” деб аталган бўлса, илк ўрта асрларда “Боҳан”, “Боҳанна” номлари билан тилга олинади.

Фарғона тарихи милоддан аввалги III-II минг йилликка бориб тақалади. Қадим замонданоқ бу ернинг ахолиси Узок Шарқ, Жанубий ва Марказий Осиёning бошқа халқлари билан узвий маданий алоқада бўлиб келган. Ҳудудда жуда кўплаб учрайдиган “Андронов маданияти” (эр.ав. III-II минг йиллик)ни эслатувчи ашёлар ёки Сўх туманидан топилган “Икки бошли илон” тумори бунга мисолдир. Ушбу даврларнинг жанг, меҳнат қуроллари, уй-рўзгор буюмлари ва бошқа ашёлари Марказий Осиёning бошқа ҳудудларидағи топилдиқлардан фарқланади.

Буюк Ипак йўлининг очилиши муносабати билан Фарғона халқлари турмушида Хитой маданиятининг таъсири сезила бошлаган. Бронза ойналар, тангалар, ипак матолар, темир қуроллар ва бошқаларнинг пайдо бўлиши бевосита Буюк Ипак йўли билан боғлиқ. Айнан Буюк Ипак йўли сабаб эрамиз бошларида наслдор отлар, туялар ва майда ҳайвонларни боқиш, қимматбаҳо металларнинг мўллиги, шунингдек пахта, узум ҳамда бошоқли экинларнинг етиштирилиши ҳақидаги маълумотлар бутун дунёга ёйилган. Бу даврга оид шаҳар-қўрғон кўринишидаги манзилгоҳларнинг кўплиги эса меъморчилик ва шаҳарсозлик технологиясининг тараққий этганидан далолатdir.

### **Фарғона вилоятининг ташкил этилиш тарихидан**

Илк ўрта асрларда Фарғона Марказий Осиё билан Хитой ўртасидаги кўприклардан бири бўлиб қолди ва бу ердаги ижтимоий-сиёсий муҳит ҳам шу икки ҳудуднинг таъсири остида тез-тез ўзгариб турди.

Темурийлар даврида бошқа соҳалар каби миллий хунармандчилик янада тараққий этди. Масалан, Марғilon ипакчилик ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, Риштон кулолчиликка ихтисослаша борди.

XVIII асрнинг бошларида Минг уруғи вакиллари Кўқон шаҳри атрофидаги қишлоқларни бирлаштириб, янги хонлик барпо этди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Кўқон хонлиги Марказий Осиёning энг йирик, қудратли ва тез тараққий этаётган давлатларидан бирига айланди.

Пўлатхон раҳбарлигида 1873 йилда бошланган кўзғолон 1876 йилда Кўқон хонлигини тугатилиши ва унинг ўрнида Фарғона вилоятини ташкил этилиши,

вилоятни Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилиши билан ниҳоясига етди. Фарғона вилояти дастлаб 7 та, 1886 йилдан бошлаб 5 та уезд – Кўқон, Андижон, Марғилон, Наманган ва Ўш уездларига бўлинади, энг йирик шаҳарлар уезд маркази сифатида белгиланди. Фақатгина Марғилон шахри бундан истисно бўлиб, Марғилон уезди маркази бўлиб Янги Марғилон (1907 йилдан Скобелев, кейинчалик Фарғона деб юритилган) шахри барпо этилди. Вилоятда жами 7 та йирик шаҳар – Кўқон, Наманган, Марғилон, Андижон, Чуст, Ўш, Янги Марғилон мавжуд эди. 1882 йилда вилоятдаги 657390 кишилик аҳолидан 150938 таси, яъни 19% и шаҳарларда яшаган.

1914 йилга келиб эса вилоятдаги 2182374 кишидан 420182 киши, яъни 19.3 % и шаҳарларда яшаган. Вилоят худуди 1883 йилда 83664 кв. верст бўлса, 1910 йилга келиб 812429 кв.верст, аҳоли сони эса 2062531 кишига етган. Бу даврда вилоят таркибида шаҳарлардан ташқари 103 та волост мавжуд эди.

1924 йилда янги маъмурий бўлинеш оқибатида уездлар янада қисқарди. Энди Фарғона вилояти таркибида Андижон, Наманган, Марғилон ва Кўқон уездлари сақланиб қолди. Ўш уезди эса, РСФСР таркибидаги Қорақирғиз автоном республикасининг уездларидан бирига айланди.

Бугунги Фарғона вилоятига 1938 йилда асос солинган. Бироқ унинг таркибий қисмидан 1941 йил март ойида Наманган ва Андижон вилоятлари ажралиб чиқди. Унинг ҳозирги худудий бирлиги 1960 йилда шаклланди. Фарғона вилояти ҳозирда Республикализнинг энг ривожланган вилоятларидан бири бўлиб, унинг худудий майдони 6,76 кв.км, аҳоли зичлиги ҳар кв.кмга 462,9 киши, сони эса 3 млн 3 минг нафардан зиёд. Вилоятда 100 дан ортиқ миллат вакиллари аҳил яшаб келмоқда. Таркибида 9 шаҳар, 15 туман ва 497 шаҳарча мавжуд. Фарғона вилояти юқори сейсмик зона хисобланади. Иқлими континентал. Вилоятнинг шимолий-ғарбий чегараси бўйлаб Сирдарё оқади. Олой тизмасидан Исфара, Сўх, Шоҳимардон, Исфайрамсой бошланади. Дарёлар музлик-қор сувларидан тўйинади.

Фарғона вилояти ташкил этилгандан сўнг Россия императори Александр II нинг буйруғи билан вилоятнинг биринчи ҳарбий губернатори этиб генерал-майор М. Д. Скобелев тайинланди. Янги ташкил этилган вилоятнинг барча бошқарув идоралари, дастлаб унинг маркази хисобланган Кўқон шахрига жойлаштирилди. Вилоят Кўқон шахридан туриб бошқарилди. Аммо орадан бир неча ой ўтгандан сўнг ҳарбий губернатор Кўқонда жойлашган гарнizon катта ҳудудга жойлашган вилоятни, яъни водийни бошқара олмайди, деган хulosага келади. М. Д. Скобелевнинг фикрича, Кўқон ўзининг жўғрофий жойлашиши ва иқлим шароитлари жиҳатидан ҳам вилоят маркази бўлишга ярамасди. Шу боисдан ҳам, ҳарбий губернатор М. Д. Скобелевнинг ўлка генерал-губернатори К. П. Кауфманга ёзган маҳсус алоқа хатида вилоят маркази учун қулайроқ янги жойда аҳоли пунктини куриш таклиф этилади. Курилиши мумкин бўлган янги жой Асака атрофлари ёки Марғилон шахри ёнида бўлиши мумкинлиги кўрсатилади. Генерал-губернатор 1876 йил 19 октябрда М. Д. Скобелевнинг юқоридаги хатига “вилоят марказини ва ҳарбий кучларнинг асосий қисмини Марғилон атрофига кўчиришга розиман. Янги шаҳар ва қалъа Ёрмозор қишлоғи ва унинг юқори томонига қурилиши мақсадга мувоғиқ”, деб резолюция қўяди. Шундай қилиб, 1877 йил бошидан бошлаб Марғилон шахри атрофида янги вилоят маркази ва қалъасини қуриш тадбирлари кўрила бошланди.

1877 йил 19 апрель куни Фарғона вилояти марказини Қўқон шаҳридан янги қурилаётган шаҳарга кўчириш тўғрисида генерал-губернаторнинг фармони эълон қилинди. Вилоят бошқармалари ўз фаолиятларини янги марказда 1877 йил 27 апрелдан бошлади. Шаҳарда қурилиш ишлари июнь ойидан бошланди. Шу йили вилоят инженери Корольков томонидан лойиҳалаштирилган 8 та бино, жумладан, янги почта, вилоят бошқармаси биноси, телеграф станцияси, ҳарбий губернатор ва унинг ёрдамчиси учун хизмат ҳамда полиция бошқармаси бинолари қуришга киришилди.

Янги Марғилон шаҳрида турли қурилишлар кучайган сайин шаҳар ҳудуди ҳам кенгайиб борди. 1904 йил учун тузилган статистик маълумотда қурилишлар 504432 квадрат сажень ( бир сажень – саржин 2.13 метрга баробар бўлган узунлик ўлчови) жойни эгаллаган.

Подшо Россиясининг Қўқон хонлигини ҳарбий босиб олиши, Фарғонада мустамлакачилик тартибларини ўрнатиши ва бу сиёсатни давом эттириш режаси ўзининг таянч пунктларидан бўлган Янги Марғилон шаҳрига асос солишига олиб келди. Ўрта Осиё ҳалқлари, жумладан Фарғона водийси ҳалқи рус амалдорлари ва капиталистлари томонидан таландилар. Мустамлакачилар улардан арzon ишчи қути сифатида фойдаландилар. Фарғона подшо Россиясининг хом ашё базаси, тайёр маҳсулотларини сотиш бозорига айлантирилди. Бу сиёсатни амалга оширишда Янги Марғилон шаҳри муҳим роль ўйнади.

Шаҳар қурилган вақтда, “Янги Марғилон”, “Скобелев” ва ниҳоят 1924 йилда Фарғона деб аталган. Ўша даврда Фарғона шарқона қиёфага эга бўлмаган, миллий шаҳарсозлик маданиятидан йироқ кўринишдаги шаҳарга айланди. XX асрнинг 60-йилларидан кейин шаҳарда бир хил бетон уйлар ва бинолар кўплаб қурилди.

Мустабид тузум даврида турли талотўп йилларни бошидан кечирган Фарғона, ниҳоят мустақиллик даврида чинакам чирой очди ва ривожланишининг янги босқичига қадам қўйди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “Фарғона – Ўрта Осиёning гавҳари” мақомини олди. Мустақиллик шарофати туфайли Марказий Осиёning гавҳари ҳисобланган Фарғона шаҳрини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Фарғона шаҳри Ўзбекистоннинг энг сўлим, бетакрор, ўзига хос нуфузга эга гўшаларидан бири. Тарих солномасига битилган 26 йил ичида шаҳарда ободончилик ва бунёдкорлик ишларига катта эътибор қаратилди. Мустақиллик туфайли 1992 йилда баландлиги 14 метр, узунлиги 26 метр бўлган Фарғона шаҳрининг рамзий дарвозаси бунёд этилди.

Истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ Биринчи Президентимиз Фарғона шаҳрида ободонлатириш ишларини шаҳарнинг қадимий қадриятларини қайта тиклаш, бу ерда яшаб ўтган буюк алломаларнинг номини, меросини улуғлашдан бошлади. 1998 йилда фарғоналик улуғ аллома, дунё илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган мутафаккир Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги муносабати билан шаҳар марказида катта боғ барпо этилди. Боғ ичидағи хиёбонда буюк алломанинг маҳобатли ҳайкали қад ростлади.

Мустақиллик йиллари ичида вилоятимизда хақаро аҳамиятга эга бўлган уч йирик воқеа бўлиб ўтди. Булар ЮНЕСКО ҳамкорлигига нишонланган Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги, фиқҳ илми сultonи Бурҳониддин Марғинонийнинг

910 йиллик таваллуд айёмлари, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг нишонланишидир.

Йилнинг тўрт фаслининг ўзига хос қиёфаси, латофати, гўзаллиги, табиат ато этган саховати мавжуд. Лекин ҳаётда бу тўрт фаслдан ташқари яна бир фасл бор. Бу бунёдкороик, яратувчанлик фаслидир. Бу фаслда жамиятнинг қиёфаси, латофати, гўзаллиги ва саховати бўй кўрсатади. Бугун олтин водийнинг Фарғона шаҳри ана шу бунёдкорлик, яратувчанлик фаслида яшамоқда.

Бу борада фарғоналикларни тўлқинлантириб юборган тарихий ҳужжатни таъкидлаб ўтиш керак. 2010 йилнинг 1 июляда Президентнинг “Фарғона шаҳрининг 2020 йилгача бўлган Бош режасини шакллантириш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди. Миллий ва замонавий санъат уйғунлашган ҳолда қурилган муҳташам бинолар, савдо ва майший хизмат кўрсатиш иншоотлари, 5та истироҳат боғи ва хиёбонлар, 8та фаввора, кўпприклар ва халқа йўллари қуриб битказилди. Ҳозирда 1000 кишилик Санъат саройи ва амфитеатр, очиқ ва ёпиқ турдаги сув спорти ҳавзаси, 20 минг кишилик стадион ва кўплаб бинолар бугунги кунда шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Истиқлонимизнинг асрларга татигулик 26 йили давомида мамлакатимиз иқтисодиёти ўзига хос синовларни енгиди, бирда шарафли, бирда мاشаққатли йўлни босиб ўтишига тўғри келди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар, ҳар соҳадаги юксалишларнинг барчаси вилоятимизга ҳам тааллуқдир. Мустақиллик йилларида вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий соҳаларида юқори даражадаги яратувчанлик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Фарғона саноати ривожланган шаҳарлардан бири. Вилоятимизда саноатнинг етакчи тармоқлари бўлган ёқилғи-энергетика, кимё, машинасозлик, қурилиш материаллари, пахта тозалаш ва қайта ишлаш, енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва бошқаларда муваффакиятларга эришилди.

Ҳозирги кунда вилоятимизда 30 дан ортиқ йирик корхона, 450га яқин кичик корхона, 30дан зиёд қўшма корхона, 3500та микрофирмалар Фарғона ҳаётини янгилашга, уни обод мегаполисга айлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Улардан Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, “Азот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қувасой “Кварц” акциядорлик жамияти, “Евразия ТАПО-Диск”, “Автоойна”, ”ДЭУ Текстайл” қўшма корхоналарини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Вилоятимиз корхона ва ташкилотларига чет эл сармоялари жалб этилиб, замонавий дастгоҳлар билан сифатли ва жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар томонидан нефть, пахта, озиқ-овқат, консерва маҳсулотлари, қурилиш материаллари, автомобиль дисклари, эҳтиёт қисмлар ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар хориж давлатларга экспорт қилинмоқди. Бу эса, истиқлол йилларида Фарғона вилоятининг мамлакатимиз миқёсида юксак салоҳият касб этганидан далолатdir.

Вилоятимиз қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларини ташкил этган пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик, боғдорчилик ва чорвачилик соҳаларида олиб борилган ислоҳотлар ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқларда шаҳар типидаги уйлар барпо

етилди, энг чекка қишлоқларда ҳам ёшлар учун спорт иншоотлари, мусиқа ва санъат муассасалари қад ростлади.

Истиқлол туфайли ўзбек спорти ривожланмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида спорт тобора оммавийлашиб бормоқда. Сўнгги йиллар ичида Фарғона вилоятидан спортнинг турли йўналишлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионлари етишиб чикқани жисмоний тарбия ва спорт ҳалқимиз, айникса, ёшлар ўртасида оммалашиб бораётганини кўрсатади. 1991 йилда Фарғона вилоятида атиги 17та стадион мавжуд эди, ҳозир эса уларнинг сони 46тага, футбол майдонлари 759тага етди, замонавий талабларга жавоб берадиган 33та тенис корти барпо этилди. Фарғона шаҳрида “Истиқлол” тенис мажмуаси, “Кимёгар” мажмуаси, Сув ҳавзаси каби кўплаб спорт иншоотлари қурилди, жаҳон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ускуналар билан жиҳозланган “Истиқлол” стадиони фойдаланишга топширилди.

2016 йилнинг май ойида Фарғона шаҳрида “Универсиада – 2016” спорт мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда фарғоналик спортчилардан Сардор Умаров, Хуршид Аҳмадалиев, Ҳасан Акбаралиевлар билан бирга вилоят терма жамоаси бта олтин ва 9та кумуш медаль билан тақдирланиб, фахрли 2-ўринни эгалладилар. Фарғона спортчиларидан Б.Мелиқўзиев, Э.Расулов, Е.Тунгускова, Д.Солиев, Д.Турдиалиев, Д.Аҳмадхоновалар Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш баҳтига мушарраф бўлдилар.

Ўзбек ҳалқи каби фарзанди эртасини ўйлайдиган, уни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон этиб тарбиялаш учун жонини аямайдиган эл дунёда бўлмаса керак. Айникса, истиқлолнинг дастлабки йилларида ёқ келажагимиз ворисларига эътибор янада кучайди. Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган ва бугунги кунда таълимнинг “Ўзбек модели” сифатида эътироф этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ушбу мақсадларнинг рўёбга чиқишида ҳал қилувчи омил бўлди.

Бугун вилоятимизда 919 та умумтаълим мактаблари, 12 та академик лицей ва 157 та қасб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоятимизда 5 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, Фарғона Давлат Университети, Фарғона Политехника институти, Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали шулар жумласидандир.

Олий ўқув юртларида таълим жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълимга замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг янги усусларини жорий этиш, моддий техник базани янги ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар, компьютер техникаси билан таъминлаш замон талаблари даражасида амалга оширилмоқда.

Соғлом миллат, соғлом авлодгина буюк ишларга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, аҳоли саломатлигини асраш, тиббий маданиятни оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Вилоятимизда мустақиллик йилларида янги тиббиёт муассасалари қурилди, эскилари қайтадан таъмирланди ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Бу амалга оширилаётган ишларнинг барчаси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган.

Тарихдан маълумки, Фарғона дунёга Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломаларни, Муқимий, Фурқат, Нодира, Увайсий сингари шоиру шоираларни, қатор фан арбобларини етиштириб берган замин. Истиқлол йилларида аждодларимиз қолдирган бой маънавий мерос бутунлай қайта кашф этилди, маънавий, маданий ҳаётимизда янада катта ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбек адабиётининг таркибий қисми бўлган Фарғона адабиёти хам хусусан, мустақиллик йилларида гуркираб яшнади. О.Ҳакимов, А.Обиджон, И.Мирзо каби Ўзбекистон халқ шоирлари, Э. Сиддиқова, М.Эргашева, Й.Солижонов, Х.Тўхтабоев, И.Махмуд, Б.Исо, С.Мўмин қатор истеъдодли ёзувчи ва шоирлар событқадамлик билан қалам тебратиб, ўз ижод намуналарида замондошларимиз образларини яратмоқдалар.

Истиқлол йилларида янги-янги истеъдодлар кашф этилди, бадиий ижодда янги-янги булоқлар кўзи очилди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига фарғоналиқ қизларимиз ҳам сазовор бўлдилар.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганлариdek, “Фарғоналиклар катта орзу-мақсадлар билан яшашга ўрганган, ғайратли, шижаатли халқ. Фарғоналиклар – муаммолардан, синовлардан чўчимайдиган, ўзига ишончи кучли халқ. Азал-азалдан ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги ва тадбиркорлиги билан иззат-ҳурмат, обрў-эътибор топиб келган халқ”.

Ватанимиз ўз тараққиёт йўлидан дадил, ишончли одимлаб бормоқда. Бундай эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларда фарғоналикларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

## **“Истиқлол қуёшидан чароғон Фарғонам”**

номли тематик-бадиий кеча сценарийси

**1- олиб борувчи:** Ассалому алайкум, азизлар!

**2-олиб борувчи:** Ассалому алайкум кечамиз меҳмонлари!

**1- олиб борувчи:** Биз бугунги кечамизни “Истиқлол қуёшидан чароғон Фарғонам” деб номладик.

**2- олиб борувчи:**

Шавқ бирла сени Фарғонажон, Фарғона дерлар,

Бу олам аро дурдонадан дурдона дерлар.

Лафзи ҳалол, сўзлари бол, қаторда норим,

Босган қадаминг ҳар жабҳада мардона дерлар.

**2- олиб борувчи:** Бугун Фарғона вилоятининг қай бир гўшасига борманг, кўча ва хиёбонлар, боғ роғлар ўзгача тароват касб этаётганига гувоҳ бўласиз.

**1- олиб борувчи:** Кўкламни кўтаринки кайфиятда қарши олишга киришган вилоят аҳли ҳар жабҳада яратувчанлик, бунёдкорлик, ободонлик ишлари билан машғул. Сўлим шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла гузарлари тобора кўркам қиёфа касб этмоқда.

**2- олиб борувчи:** Бугунги кечамизда.... ни таклиф этганмиз.

Ҳозир ўқувчимиз Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо қаламига мансуб “Фарғонажон” шеърини айтиб берадилар. Марҳамат.

Меҳринг меҳригий ё тану жонимга,  
Бир ҳафта кўрмасам девонадайман.  
“Она” сўзин қўшиб қутлуғ номингга  
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Сенда ё ой тиник, ё кўзим равшан,  
Сенда димоғим чоғ – райхондай ёвшан.  
Руҳинг гуллаб турса, даштинг ҳам гулшан,  
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Йўлда йўлчивиндек ҳориганим рост,  
Қирқقا кириб-кирмай қариганим рост,  
Сенинг дардинг билан оғриганим рост,  
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

Кўнглимни кўтарар синиқ тоғларинг,  
Кўйлаклари ғижим қизғалдоқларинг.  
Менга шамол бўлиб келар оҳларинг,  
Фарғонажон, дейман, Фарғона, дейман.

**1-олиб борувчи:** Ташаккур.

**2- олиб борувчи:** Ҳар бир давлатнинг ўз тарихи бўлганидек, Фарғона вилояти маркази Фарғона шаҳрининг ҳам ўз тарихи бор. Ҳозир Фарғона шаҳри тарихи ҳақида сўзлаб бериш учун сўзни .... га берамиз. Марҳамат.

**Сўзловчи:** Гарчи ҳозирги Фарғона нисбатан ёш шаҳар бўлса-да, унинг марказида қадимги манзилгоҳлар мавжуд эди. Буни археологлар томонидан топилган асори атиқалар ҳам тасдиқлайди. Энг қизиқарли археологик ёдгорликлардан бири – Симтепа ёдгорлиги бўлиб, шу ерда қачонлардир шаҳар типидаги манзилгоҳ фаолият кўрсатган. Мазкур манзилгоҳ вилоят музеининг илмий ходимлари – археологлар Н. Горбунова ва В. Гамбург томонидан 1957-1958 йиллар давомида батафсил ўрганиб чиқилди. Қазишмалар шуни кўрсатадики, ҳозирги Фарғона шаҳри ўрнида эрамиздан аввалги биринчи минг йилликнинг охирларидаёқ қароргоҳ мавжуд бўлиб, унда ўрта асрларнинг X-XII асрига қадар одамлар турмуш кечирган. Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, Симтепа ёдгорлиги ўрнида ҳунаMANDчилик ниҳоятда тараққий этган эди.

Янги шаҳарнинг қурилиш тарихи XIX асрнинг сўнгги чорагида Россия империясининг Кўқон хонлиги чегарасига кириб келиши билан боғлиқ. Бу даврда Россия Кўқон хонлигининг кўп жойларини босиб олади. Император Александр II нинг 1876 йил фармонига кўра, Кўқон хонлиги ҳудудида Фарғона вилоят ҳарбий губернаторлик ташкил қилинди. Орадан бир йил ўтиб вилоятнинг герби тасдиқланди. Унинг биринчи губернатори этиб полковник М. Скобелев тайинланади. У даврда Фарғона вилояти ҳудудига собиқ Кўқон хонлигига қарашли ерлар киради.

Дастлабки вақтларда вилоят маркази Кўқон шаҳри хисобланган бўлсада, иқлимининг тез-тез ўзгариб туриши, шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган пунктларга яқин эканлиги ва бошқа бир қанча омиллар янги маъмурий шаҳар қуришни тақозо этарди. Генерал губернаторнинг фармойишига биноан шаҳарни

қуриш жойи ва унинг лойиҳасини танлаш учун маҳсус комиссия тузилди. Комиссия бир мунча муҳокамадан сўнг, аҳолиси унча қалин бўлмаган, нисбатан иқлими юмшоқ, ери унча ҳосилдор бўлмаган эски Марғилоннинг жанубидаги қишлоқлар ўрнини шаҳар қилишга лойик деб топди. Бу жой ўзининг иқлими ва суви билан яхши таъминланганлиги билан ажralиб турарди. Марғилон шаҳридан 10-12 чақирим жанубда жойлашган мазкур жой Сим, Ёрмозор ва Чилимгар қишлоқлари аҳолисига тегишли эди. Бу қишлоқларнинг аҳолисига ҳозирги Ёрмозор, Оқариқ, Бешбона ва Чекшўра каби қишлоқлардан ер ажратиб берилди. Уларнинг уйлари эса янги хукумат томонидан сотиб олинди.

Фарғонанинг кўрки бўлган ҳозирги чинорларини экиш кўп тортишувга сабаб бўлган. Ёрмозор қишлоғи аҳолиси шаҳар кўчаларига ёнғоқ ва ўрик экишни, Марғилон аҳолиси вакиллари эса чинор экишни таклиф этишган. Бир неча йилдан кейин чинорлар шаҳарга алоҳида чирой бергандан сўнг, шу таклиф асосчиси марғилонлик Мухаммад Ҳалил Мадазим ўғли Маккага – ҳаж сафарига бориши учун бепул йўлланма билан тақдирланган.

1877 йил 18 июнда ҳарбий штаб Янги Марғилон шаҳри лойиҳасини қабул қилди. Шу кундан бошлаб лойиҳадаги 8 обьектдан 6 тасини қуришга киришилган. Шундай қилиб, сиёсий маъмурий марказ – идора (ҳозирги театр биноси), почта, телеграф, губернатор ёрдамчисининг қабулхонаси, губернаторнинг оромгоҳи (шаҳар истироҳат боғи), шаҳарнинг жанубий қисмida аскарлар учун ётоқхона – ҳарбий горнizon қурилади. Шаҳар қурилишига архитектор В.И. Корольков раҳбарлик қилган.

Шаҳар қурилишида асосий материал бўлган пишиқ ғишт етмас эди. Шу сабабли 1877- 80 йилларда 8 та ғишт заводи қурилиб, уларда йилига 300 минг дона пишиқ ғишт тайёрланган. 1880 йилнинг ноябр, декабр ойларида боғ ва гулзорлар ташкил этилди. 3000 туп ҳар хил манзарали дараҳт экилиб, ҳозирги шаҳар истироҳат боғига асос солинган. Шу йили Янги Марғилон уезд маркази этиб тасдиқланган. Шаҳар қурилган вақтда “Янги Марғилон” деб аталади. 1907 йилнинг 23 октябридан эса ҳарбий қўмондонликнинг олий фармонига асосан шаҳар “Скобелев” деб номланди. 1924 йилга келиб эса шаҳар водий номига мослаштирилиб “Фарғона” деб атала бошланди.

**1-олиб борувчи:** Катта раҳмат. Сиз билан яқиндан сұхбатда бўлганларидан ёшларимиз ҳам мамнунлар.

**2- олиб борувчи:** Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти истиқлолнинг дастлабки кунларидаёқ ҳалқимиз ҳаётини яхшилаш, турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилган эди. Бу кўрсатма ҳамда йўл-йўриқлар қадам-бақадам ҳамда изчил амалга оширилаётганини кўриб-билиб турибмиз.

**1- олиб борувчи:** Келинглар эндиғи навбатни \_\_\_\_\_ га берамиз. Улар бугунги кунда гўзал Фарғонамизда мазкур кўрсатмалар қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот берадилар.

Сўзловчи: Президентнинг “Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012 - 2015 йилларда ижтимоий ва транспорт инфратузилмаси обьектларини қуриш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан олиб борилаётган кенг ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари шаҳарни ғоят гўзал ва обод гўшага айлантиряпти. Ўн икки йўналишда, узоқни кўзлаб, шаҳарнинг ўзига хос меъморий кўринишини сақлаган ҳолда давом эттирилаётган қурилишлар авж

паллада бўлиб, узунлиги 14,4 километр, эни 40 метрли 6 тасмали кичик ҳалқа йўли қуриш ишлари ниҳоясига етди. Бундан ташқари республика йўл жамғармаси ҳисобидан Алишер Навоий шоҳ кўчасининг 24 километр қисми мукаммал таъмирдан чиқарилди. Бу ердаги барча кўпқаватли турар жой бинолари, ижтимоий обьектлар реконструкция қилинди. Шу кунларда шаҳардаги 28 маҳалла ҳудудида бунёдкорлик, янги гузар, болалар майдончалари барпо этиш ишлари давом эттирилмоқда. Фарғонада олиб борилаётган бунёдкорлик, ободончилик ишларининг қамрови кенг. Замонавий хиёбонлар, йўл ва йўлаклар, кўрик ва фавворалар мажмуасини қуриш ишларини поёнига етказиш учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб ишламоқда. Хусусан, Қувасой кўчасида қад ростлаган ёпиқ сузиш ҳавзаси, минг нафар ихлосмандни бағрига сингдира оладиган санъат кошонаси, 20 минг ўринли замонавий футбол ўйингоҳи кўнгилларни ифтихорга тўлдирди.

Бугунги кунда Фарғонада саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ишлари изчил давом этяпти. Тегишли қарорларга кўра, хорижий инвестициялар жалб этилиши натижасида, ҳатто туманларда ҳам замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Аҳоли бандлиги, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш борасида жиддий ишлар олиб борилмоқда.

Мамлакати эртага бугунгидан файзлироқ бўлишига имон келтирган эл ҳеч қачон меҳнат қилиб чарчамайди, юрт осмони тиниқлигича туравериши йўлида етарлича ишлар қилинаётганини сезиб турган кишиларнинг юмуши баракали бўлади.

Бир сўз билан айтганда, истиқлол қуёшидан баҳра олиб, янгича кўрк ва чирой очаётган сўлим Фарғона кун сайин ривожланмоқда, аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшиланаёттир.

**2- олиб борувчи:** Қизиқрли маълумотлар учун катта раҳмат.

**1-олиб борувчи:** Дарҳақиқат, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик, ободлик йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг барчаси инсон учун, унинг фаровон ҳаёт кечириши учундир. Шундай экан, том маънода обод турмушга эришиш учун бир ёқадан бош чиқариб астойдил меҳнат қилиш, Ўзбекистонимизнинг жаҳон мамлакатлари орасидаги нуфузи, шаънини янада юксакларга кўтариш ҳар биримиз учун муқаддас бурч бўлмоғи керак.

**2-олиб борувчи:** Бугун вилоятини янада обод, янада кўркам, нурафшон манзилга айлантиришга бел боғлаганлар, ғайрат-шижоат кўрсатаётганлар – Фарғонанинг барча ёшу кексаси, аҳли хонадонларининг бариси, десак, асло муболаға эмас. Зоро, Ободлик кўнгиллардан бошланади. Бу туйғу кўнгиллардан ўтиб, шаҳару қишлоқларимизга чинакамига гўзал ва тенгсиз чирой баҳш этишга ундейди.

**1- олиб борувчи:** Ҳозир даврага ёш истеъдодларни, Зулфияхоним издошларини таклиф этсақда, уларнинг ижодларидан баҳраманд бўлсак. Марҳамат.

Ёш шоираларнинг чиқиши.

**1- олиб борувчи:** Раҳмат қизлар, ижодингизга янги янги парвозлар тилаймиз.

**2-олиб борувчи:** Бугунги кечамизга эл севган санъаткорларни ҳам таклиф этганмиз, ҳозир навбатни уларга берамиз. Марҳамат.

**Бадиий қисм.**

**1-бошловчи:** Мана, азизлар! Шунинг билан бугунги кечамиз ҳам ниҳоясига етди. Эътиборларингиз учун ташаккур.

## **“Фарғона - Ўзбекистон гавҳари”**

### **мавзусида китоб кўргазмасини ташкил этишга тавсиялар**

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси кутубхона, ахборот- кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўtkaziladigan тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қўйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

#### **1. Фарғона тарихига бир назар**

Бу бўлимга Фарғона вилояти ташкил этилиш тарихига оид барча манбалар тавсия этилади

#### **2. Фарғона адабиёти**

Бу бўлимга фарғоналик адиблар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади

#### **3. Фарғона: истиқлолга шукrona**

Мустақиллик даврида Фарғона шаҳри ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдураҳимова М. Маҳалла тиклаган обида //Фарғона ҳақиқати. - 2014. - № 61. - Б. 4: фото
2. Мадиёров Б. Илмий ва амалий ҳамкорлик ривожи //Фарғона ҳақиқати. - 2017. - № 67. - Б. 1-4
3. Орипов Р. Мустақиллик шаҳарчаси-мустақиллик неъмати //Фарғона тонги. - 2017. - № 32. - Б. 1-2.
4. Орипов Р. Самарқандда ўзаро тажриба алмашдилар //Фарғона тонги. - 2016. - №13. - Б. 4
5. Собиров Н. Юксак салоҳият ва иқтисодий тараққиёт //Фарғона ҳақиқати. - 2014. - № 55. - Б. 1-2: фото
6. Собитов М. Санъат мактабларининг янги қиёфаси //Фарғона ҳақиқати. - 2014. - № 92. - Б. 1-2: фото
7. Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда.- Фарғона: Фарғона, 2012.-б.434.
8. Ўсарқулов О. Нурли манзилларни кўзлаб //Фарғона тонги. - 2017. - № 5. - Б. 5
9. Элимиз тинчлиги ва фаровонлиги, Ватан тараққиёти - бош мезони //Фарғона ҳақиқати. - 2016. - № 79. - Б. 3

Тузувчи: Ш. Юнусова

